

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ**

ХИДИРОВ СУХРОБ НОРБЎТАЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ КОНЦЕПТУАЛ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СОЦИОЛОГИК ЁНДАШУВ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological Sciences**

Хидиров Сухроб Норбўтаевич

Олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришда социологик ёндашув.....3

Хидиров Сухроб Норбутаевич

Социологический подход концептуального усовершенствования системы высшего образования.....21

Xidirov Suxrob Norbutaevich

Sociological approach to the conceptual improvement of higher education.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ**

ХИДИРОВ СУХРОБ НОРБЎТАЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ КОНЦЕПТУАЛ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СОЦИОЛОГИК ЁНДАШУВ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Sots30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бекмурадов Мансур Бобомурадович социология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдуазимов Оқилжон Уткурович социология фанлари доктори Саифназаров Исмаил Саифназарович фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc 29.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « » соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 2-қават, 220 хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 2-қават, 220-хона.)

Диссертация автореферати 2021 йил « » куни тарқатилди.
(2021 йил « » даги рақамли реестр баённомаси.)

Т.Б.Матибоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари доктори, профессор

Ф.Я.Парманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида олий таълимни янги парадигмал тамойиллар ва инновацион технологиялар асосида ривожлантириш бугунги кундаги устувор йўналиш сифатида баҳоланмоқда. Бу жараёнда олий таълим субъектлари сонининг миқдорий ўсиши, кадрлар тайёрлаш йўналишларининг сифат жиҳатидан янгиланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумотларга кўра, «Талабаларнинг сони 2030 йилда 414 миллион нафарга етиши ва бу 2000 йилга нисбатан 4,2 баробарга кўпайиши башорат қилинмоқда»¹. Бу эса олий таълим тизимини янада такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Жаҳонда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларда олий таълим тизимини, унинг асосий таркибий ва функционал хусусиятларини батафсил ва ҳар томонлама чуқур ўрганиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг олий таълим тизимига интеграция даражасини таҳлил қилиш ва самарали бошқарувни йўлга қўйиш билан олий таълимга сифат ва рақобатбардошлик механизмларини жорий қилиш, молиялаш, хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан академик ва илмий алоқаларни кучайтириш, олий таълим тизими мутахассисликлари ва касблар бўйича мазкур тизимни малакали кадрлар билан таъминланганлигини ўрганиш ва унга холис баҳо бериш, олий таълимда ўқув жараёни самарадорлигини замонавий талаблар асосида баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда² мазкур соҳада соғлом рақобат муҳитини яратишга эътибор қаратилмоқда. «Тўртта асосий устувор вазифалар белгилаб олинди, биринчиси, олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтириш, иккинчиси, ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратиш, учинчиси, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, тўртинчиси, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш»³. Шу боисдан ҳам олий таълим тизимини такомиллаштириш жараёнини танқидий ва таҳлилий жиҳатдан ўрганишга социологик ёндашувларни самарали тадбиқ қилиш, замон талабларига муносиб жавоб берадиган олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг аниқ ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ www.unesco.org

² «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги. ПФ-5847-сон Ўзб-н Р-си Пр-нинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони./ Lex.uz

³ Президент Шавкат Мирзиёев раислигидаги 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектр йиғилиши. Халқ сўзи. 2021 йил 17 июнь, № 127(7907).

стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»⁴ фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ги қарорлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг рейтингини ошириш, халқаро рейтинг стандартларига мослаштириш, таълимнинг замонавий инновацион моделларини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш каби концептуал ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларидаги таълим тизимининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инсон капитални ривожлантириш, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш, бозор иқтисодиётининг замонавий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни ишга йўналтириш, таълим сифатини ошириш, олий таълимни ривожлантириш жараёнларини оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш, таълим жараёнига инвестициялар, инновациялар ва IT-технологияларини жалб этиш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди⁷.

Хорижда таълимнинг биринчи фундаментал муаммолари қадимги даврлардаёқ Платон ва Аристотель асарларида ўз ифодасини топган ва кейинчалик Ж.Ж.Руссо, Г.Гегель, И.Кант, В.Гумбольдт ва бошқалар томонидан

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2020 й., 06/20/5370/0975-сон, 09.07.2020 й., 06/20/6021/1047-сон, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон, 01.08.2018 й., 06/18/5497/1604-сон; 30.05.2019 й., 06/19/5733/3216-сон; 05.02.2020 й., 07/20/4585/0124-сон; 11.03.2021 й., 06/21/6186/0200-сон, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-со

⁷ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш– юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз.–Тошкент:Ўзбекистон, 2017. – 488 б.; Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.–Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 591 б.

янада ривожлантирилган. Социологиянинг мумтоз вакиллари Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, П.Сорокин, П.Бурдьё, Д.Дьюи ва бошқа шу каби олимларнинг асарларида таълимнинг аҳамиятини социологик жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Ф.Фукуяма, С.Хантингтон, Э.Тоффлер, П.Бергер, И.Валлерстайн каби олимлар томонидан таълим тизими ислоҳ қилишнинг социал хусусиятларини тадқиқ этиш, олий таълим тизимига хос атамаларга илмий-назарий таърифлар бериш билан бир қаторда, улар томонидан муайян ёндашувлар илгари сурилган. МДХ давлатлари олимларидан А.Е. Балобанов, А.К. Ключев, А.Н. Костецкий, С.Х. Берсирова, В.А. Журавлев, Т.Л. Клячко, Е.А. Князев, Я.И. Кузьминов, И.А. Лысое, Э.Морган, К.Д. Таверньи, Н.Л. Титова, В.Н. Ярская ва бошқалар олий таълим тизимининг сифатини оширишга интилиш, интеграциялашаётган МДХ таълим тизими учун замонавий таълим дастурлари ва андозаларини бир хиллаштириш, янги таълим стратегиясини амалга ошириш бўйича муҳим қарашлар илгари сурилган⁸.

Мамлакатимиз олимлари Н.Алиқориев, А.Бегматов, М.Бекмуродов, А.Холбеков, М.Ганиева, Ш.Содиқова, Н.Жўраев, Р.Убайдуллаева, О.Абдуазимов, А.Умаров, Т.Матибаев, К.Калановлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш муаммолари, интеграция қилиш механизмлари, инновацион ёндашув асосида бошқариш, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш, ва модернизация қилишда инновацион жараёнларни ўқув, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришга доир муҳим қарашлар илгари сурилган.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларнинг ташкилий ва стратегик механизмлари (бизнес-корпорацияларга ўтиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни барқарор ривожланиш вазифаларини ҳал қилишга тайёрлашда узвийликни таъминлаш социал технологияларини амалиётга жорий қилиш) мавжуд бўлсада, аммо олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришнинг компетенция, ваколат ва ижтимоий жавобгарликни тақсимлаш, олий таълим тизимини ривожлантириш мақсадида ижтимоий институтларни жалб қилиш, олий таълим муассасалари автономлигини янада ривожлантириш, раҳбар ва педагог ходимларнинг касбий тайёргарлик даражасини оширишнинг социал механизмларини

⁸ Балобанов А.Е., Ключев А.К. Стратегическое планирование развития университета // Университетское управление: практика и анализ. 2002. №2. С. 19-27; Ключев А.К. Национальные университеты - новое слово в университетском строительстве? // Университетское управление; практика и анализ. 2006. №1. С. 27-32; Костецкий А.Н., Берсирова С.Х. Проблема финансирования сферы образования // Экономика: теория и тактика. 2009. №1 (17). С. 68-73.; Журавлев В.А. Классический исследовательский университет: концепция, признаки, региональная миссия // Университетское управление: практика и анализ. 2002. №2. С. 6-11; Стратегии адаптации высших учебных заведений. Под ред. Клячко Т.Л. - Москва; ГУ-ВШЭ, 2002; Князев Е.А. Об университетах и их стратегиях. - Университетское управление; практика и анализ. 2005. №4. С. 9-17; Кузьминов Я.И. Наши университеты // Высшее образование сегодня. 2007. №10. С. 9-15; Лысое И.А. Учебные инновационные комплексы как модель устойчивого развития ВУЗа и инновационного предпринимательства // Проблемы современной экономики. 2009. №1 (29); Морган Э. Диверсификация источников финансирования в системе высшего образования; сравнительный обзор / Э. Морган // Университетское управление: практика и анализ. 2004. №2. С. 81-90; Таверньи К.Д. Стратегический менеджмент и эволюция управления в Католическом университете Лювена в 1960-2002 годах // Университетское управление: практика и анализ. 2002. №2. С. 52-62; Титова И.Д. Путь успеха и неудач; стратегическое развитие российских вузов. Москва: ИУ ВШЭ, 2008; Ярская В.Н. Стратегии модернизации российского образования. Образование и молодежная политика в современной России. Маг. всероссийской конференции. СПб, 2002. С. 155-159.

такомиллаштириш бўйича яхлит илмий тадқиқот иши етарлича олиб борилмаган. Бу эса мазкур мавзунини алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ – 20170929253 «Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш» (2018-2020 й.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришда социологик ёндашувнинг ижтимоий ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш орқали унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришнинг ўзига хос усуллари ва механизмларини социологик ёндашув билан ўзаро алоқасини илмий асослаш;

социологик ёндашувдан самарали фойдаланган ҳолда олий таълим соҳасини концептуал такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий ва институционал асосларини қиёсий ўрганиш;

олий таълим муассасалари фаолиятини концептуал такомиллаштириш самарадорлигини баҳолаш индикаторлари ва интеграл кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш;

инсон капиталини ривожлантиришнинг таркибий қисми сифатида олий таълим муассасаларининг кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини социологик жиҳатдан самарали баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимини хорижий тажриба асосида байналминалаштиришнинг инновацион ечимларига доир илмий-амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришнинг социал омиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришда социологик ёндашувни амалга ошириш механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш ва конкретлаштириш, мавзуга доир ҳужжатларни ўрганиш, кузатиш, анкета, онлайн сўров усули каби тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълимда кредит тизими самарадорлигини таъминлашда миллий маконимизга мос бўлган «Иерархик – ментал ёндашув» (кузатув, анкета тарзида ёзма, оғзаки савол-жавоб, интервью, социометрия, экстраполяция, контент таҳлил усуллари билан боғлиқ ҳолда) усулининг авфзаллиги исботланган;

дарс машғулотларининг сифат ва самарадорлигини баҳолашнинг социал индикаторлари (функционал, институционал, фрагментар, ивент аксиологик, прагматик, праксеологик, муаммоли, концептуал, вазиятли, корреляцион, кластерли, семантик, дискурс таҳлил) халқаро стандарт мезонлари асосида очиб берилган;

ёшлар бандлигини таъминлашда юқори малакали кадрларни меҳнат бозорида зарур бўлган ва иш берувчилар талаб қиладиган билим ва кўникмалар билан қуроллантириш ва уларнинг меҳнат фаолияти давомида янгилаш имкониятларини беришда олий ўқув юртларининг аҳамияти очиб берилган;

масофавий таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган ўқув муҳитининг технологик, педагогик ва ташкилий-методик мезонлари, социомаданий жиҳатлари ва социологик-парадигмал хусусиятлари очиқлик тамойили асосида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришнинг ўзига хос усуллари ва стратегик ва функционал механизмларини социологик ёндашув билан ўзаро алоқаси илмий асосланган;

социологик ёндашувдан самарали фойдаланган ҳолда олий таълим соҳасини концептуал такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий ва институционал асослари мотивацияли, ахборотли, коммуникатив ва инновацион компонентлар билан боғлиқ ҳолда очиб берилган;

олий таълим муассасалари фаолиятини концептуал такомиллаштириш самарадорлигини баҳолаш индикаторлари ва интеграл кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган;

инсон капиталини ривожлантиришнинг таркибий қисми сифатида олий таълим муассасаларининг кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини социологик жиҳатдан самарали баҳолаш механизмлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришда социологик ёндашувнинг илмий-концептуал ва инновацион омилларини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилади, шунингдек тадқиқотдаги фанлараро ёндашувлар, хусусан, социология, маданият социологияси, дин социологияси, таълим социологияси, ижтимоий иш, фалсафа, педагогика, психология, иқтисодиёт, тарих маданиятшунослик ва сиёсатшунослик каби фанлар методлари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид методологик ёндашувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришда социологик ёндашувни яратиш ва

мамлакат олий таълим тизимини такомиллаштиришга доир таҳлилий маълумотлар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятида, Илмий тадқиқот муассаслари ва марказлари фаолиятида, таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўтказиладиган турли ижтимоий сўровларда, таълим тизимини такомиллаштиришга оид ўтказиладиган конференция, семинар ва давра суҳбатларида муҳим манба сифатида фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришда социологик ёндашувни амалга ошириш натижасида:

олий таълимда кредит тизими самарадорлигини таъминлашда миллий маконимизга мос бўлган «Иерархик – ментал ёндашув» (кузатув, анкета тарзида ёзма, оғзаки савол-жавоб, интервью, социометрия, экстраполяция, контент таҳлил усуллари билан боғлиқ ҳолда) усулининг авфзаллиги исботланган (Олий таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 89-03-2763 сон маълумотномаси). Натижада «Электрон веб-сўров» дастури фойдаланишга топширилган, дастур орқали электрон веб-сўров ўтказиш методикасини яхшилаш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш имконини берган;

дарс машғулотларининг сифат ва самарадорлигини баҳолашнинг социал индикаторлари (функционал, институционал, фрагментар, ивент аксиологик, прагматик, праксеологик, муаммоли, концептуал, вазиятли, корреляцион, кластерли, семантик, дискурс таҳлил) халқаро стандарт мезонлари асосида очиб берилганлигига оид тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг «Раҳбар кадрларни тайёрлаш» ўқув жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-1410-сон маълумотномаси). Натижада дарс машғулотларининг сифат ва самарадорлигини баҳолаш индикаторлари жараёнида қўлланилган, шунингдек, магистратура тингловчиларига ECTS (European Credit Transfer and Accumulating System) – Европа кредит алмашиш тизимини жорий этиш ҳамда масофавий таълим платформасида ўқув ресурсларини яратиш бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш имконини берган;

ёшлар бандлигини таъминлашда юқори малакали кадрларни меҳнат бозорида зарур бўлган ва иш берувчилар талаб қиладиган билим ва кўникмалар билан қуроллантириш ва уларнинг меҳнат фаолияти давомида янгилаш имкониятларини беришда олий ўқув юртларининг ахамияти очиб берилганлигига оид таклифидан «Олий таълим тизимини концептуал такомиллаштириш» бўйича видео-дарсларни ташкил этиш, масофавий ўқув жараёнини йўлга қўйиш, замонавий ёндашувлар асосида «Видео-дарс тайёрлаш технологияси» номли барча олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун намунавий ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 06

октябрдаги 522-сонли буйруғига асосан 522-108 рақам билан рўйхатдан ўтган). Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар учун видео-дарс тайёрлаш технологияси самарадорлигини ошириш ва ўзлаштириш имконини берган;

масофавий таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган ўқув муҳитининг технологик, педагогик ва ташкилий-методик мезонлари, социомаданий жиҳатлари ва социологик-парадигмал хусусиятлари очиклик тамойили асосида асосланганлигига оид таклифидан масофавий таълим жараёнларини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 89-03-2763-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг маълумотномалари). Натижада onlayn ва oflayn видео машғулотлари сифат индикатори яратилган, профессор-ўқитувчиларнинг кредит тизими бўйича кўникма ва малакаларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий – амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шунингдек, 3 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган. Ушбу бобда олий таълим тизимини социологик жиҳатдан ўрганилиб, олий таълим тизимини такомиллаштиришнинг социал босқичларини тарихий-социологик асослари ва ривожланган давлатларнинг олий таълим тизимини ривожлантириш моделлари илмий нуқтаи-назардан очиқ берилган.

Ҳозирги даврда ижтимоий ривожланишнинг янги тартиби, маданий, тарихий омиллар илгари сўзсиз устун бўлган жамиятда эндиликда ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни мақсад ва вазифалари кескин ўзгаришларга юз тутмоқда. Шу нуқтаи-назардан қараганда, олий таълим тизимида ўқув

жараёнининг табиати, мақсадлари ва усуллари ўзгармоқда. Бу эса олий таълим тизимини такомиллаштиришнинг социал босқичларини тарихий-социологик ёндашув асосида ўрганиш ҳамда ривожланган давлатларнинг олий таълим тизимини ривожлантириш моделларини қиёсий-социологик ёндашувлар асосида тадқиқ қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Олий таълим жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятларининг даражасини ривожлантиришдаги алоҳида тизим сифатида намоён бўлади. У ҳар қандай давлатнинг жамият маънавий ҳаётини, ижтимоий ва касбий таркибини бошқаришдаги муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Олий ўқув юртли фаолияти, улардаги профессор-ўқитувчиларнинг билим бериш сифати, талаба-ёшларни ўқитиш ва тарбиялашдаги муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам бугунги кунда олий таълим тизимини концептуал такомиллаштириш жараёнини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бугунги кундаги содир бўлаётган глобал ўзгаришлар олий таълим тизимига ҳам янги талабларни қўймоқда.

Социологлар “олий таълим” тушунчасининг мазмун хусусиятларига жамланган тажрибани янги авлодларга етказиш учун мавқелар, меъёрлар, кадриятлар, ижтимоий ташкилотларнинг мажмуини ўз ичига олган ижтимоий институтлар, давлат, жамият ва шахснинг манфаатлари йўлида ўқитиш ва тарбиялашга мақсадга йўналтирилган жараёни, билимларнинг ҳаракатланиши ва тақсимланишининг асосий омилидан иборат бўлган маънавий ишлаб чиқариш унсурини киритишади.

Бугунги жаҳон олий таълим тизими мамлакатларнинг қандайдир ўзига хосликларидан қатъий назар жамиятнинг турли соҳаларида кўп жиҳатдан муҳим натижаларга эришишига имкониятлар яратмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимиздаги мавжуд олий таълим тизимини давлат, жамият, меҳнат бозорининг замонавий талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш устувор вазифалар сифтида белгиланмоқда. Шу сабабдан, жамиятимизда юз бераётган олий таълимни модернизациялашнинг жараёнларини тўғри йўлга қўйишда мазкур соҳадаги энг умумий тенденциялар, муаммолар ва зиддиятларни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида мамлакатимиз олий таълим тизимида фаол модернизациялаш жараёни амалга оширилмоқда. Замонавий жамият томон жадал интилиш фаолияти ахборот-интеллектуал ва бошқарув ишлари билан боғлиқ бўлган юқори малакали мутахассисларга бўлган талабни вужудга келтирмоқда. Етакчи университетлар кескин рақобатга кирган ҳолда таълим тизимини такомиллаштириш, уни меҳнат бозори талабларига мослаштириш вазифасини қўймоқда. Бундай шароитларда ёш мутахассисларнинг ижтимоийлашуви ва сафарбарлигига таъсир ўтказувчи омилларни ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Олинган билим сифатини ижтимоий баҳолашнинг анъанавий қайта алоқаси жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг юқори суръати боис эндиликда иш бермай қўйгани сабабли олий таълим сифатини тезкор ва мунтазам тарзда ижтимоий мезонлаш мазкур институтни модернизациялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланмоқда.

Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни ҳам анъанавий, ҳам инновацион бўғинларни ўз ичига қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, олий таълимнинг асосий йўналишларини модернизациялаш уларнинг мақсадга мувофиқлигини, имкондаги барча жиҳатларни, олий мактабда уларни жорий этиш йўллари таснифлашга бўлган талабни оширмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимининг муҳим таркибий қисми кўпроқ касбий, прагматик томонга ўзгариб бормоқда. Шу боисдан ҳам олий таълим тизимининг ўз-ўзини рационал ташкил қиладиган ҳолати асосан девальвация қилинмоқда. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларимиз нафақат ўзларининг касбий балки, маданий савияларини ҳам оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу боисдан ҳам жамият ҳаётининг ижтимоий ва маданий соҳаларидаги туб ўзгаришлар нафақат ёшларининг фаолият шакллари, хулқ-атвори ва дунёқарашининг ўзгаришига, балки уларнинг инновацияларга маданий мослашув динамикасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, жамият ҳаёти, хусусан, таълим тизимини тижоратлаштириш ёшларда индивидуаллик, прагматизм, моддий фаровонликка интилиш каби бир томонлама қарашни шаклланишига ҳам олиб келди. Бундай муаммоли ҳолатлар эса олий таълим тизимини концептуал жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатини изчил амалга ошириш жараёнида Россия федерациясида тадбиқ этилганидек, ректорлик корпусининг ролини ошириш тизимини жорий қилиш, Америка қўшма штатларида жорий қилинган каби олий таълим тизими билан ишлаб чиқариш жараёнида катта нуфузга эга бўлган йирик компаниялар, корпорациялар шунингдек, кичик корхоналар ўртасида узвий алоқа ўрнатилишини амалий қўллаб қувватлаш, олий таълим соҳаси учун муҳим бўлган стратегик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида тизимли тадқиқотлар ўтказишни кенгайтириш, Германия олийгоҳлари каби нафақат ўқув жараёни билан шуғулланиши, балки жадал илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи муассасалар сифатида ишлаб чиқаришда, жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиш, олий таълим муассасаси раҳбари бўлган, ректорларни сайлаш тартибини жорий этиш, Бирлашган қироллик (Буюк Британия) ва Франциянинг олийгоҳлари, маслан Кембридж, Оксфорд ва бошқа шу каби нуфузли олий таълим муассасалари каби мустақил бошқарув тизимининг илғор жиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш, Хитойда амалиётга жорий қилинган олий таълимни ислоҳ қилиш тизими⁹ каби олий таълим муассасалари, қабул параметрлари ва олий таълимга катта ҳажмда маблағларни йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон банки маълумотида кўра, дунё бўйича олий таълим соҳасидаги давлат харажалари камайиб бормоқда. Хусусан, Дунё бўйича 2013 йилда бу кўрсаткич киши бошига ЯИМ (GDP per capita)нинг ўртача 26.06%ини ташкил этган бўлса. Бу миқдор 2011 йилда 29.31% ни ташкил этган. Юқори даромадли давлатлар доирасида ҳам камайиш кузатилмоқда, маслан айтилган кўрсаткич 1998 йилда 32.10% бўлган бўлса 2014 йилда 25.75% гача пасайган. Давлатлар

⁹ Қодиров Б.Б. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2019. –Б.15.

миқёсида энг юқори кўрсаткич 2016 йил ҳолатига Уммон султонлигига тўғри келган бўлиб у 42.8%ни ташкил этган¹⁰.

Ўзбекистонда таълим соҳаси харажатлар ҳам дунёдаги тенденция сингари ўзгарганини кузатишимиз мумкин. Масалан, 2013 йилда ЯИМ (GDP per capita)нинг бу кўрсаткичи 23.19%ини ташкил этган бўлса 2016 йилга келиб бу таълим соҳасига харажатлар ЯИМнинг 5.28%ини, умумий давлат харажатларининг 23.03%ини ташкил этган¹¹. 2017 йилга нисбатан 2021 йилда олий таълим соҳасига давлат томонидан ажратилган маблағлар 3 баробарига ошган, яъни 2 220,16 миллиард сўмга етганлигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Жаҳонда олий таълим соҳасида бир нафар талаба учун қилинадиган харажат¹²

Шу боисдан ҳам «Жаҳон амалиётида олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириши бўйича бир қатор муаммоларнинг илмий ечимларини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий тадқиқот ишлари ташкил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимини концептуал такомиллаштириш жараёнининг социологик таҳлили куйидагича хулосалар чиқаришга имкон беради: биринчидан, ноқулай ижтимоий-иқтисодий вазиятга қарамай, олий таълим тизими жамиятдаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этди. Шунингдек, олий таълим тизимини мутлақо янги бозор муносабатлари шароитида ўз-ўзини ривожлантириш механизмига эга бўлди. Иккинчидан, олий таълим тизими вакиллари жамиятда нафақат ўз ўринларини сақлаб қолишга, балки бу тизимни сезиларли даражада сифат жиҳатидан юксалтиришга ҳаракат қилди. Учинчидан, бугунги кунда олий ўқув юртлари тармоғи янада кенгаймоқда. Мамлакатимизда давлат ва нодавлат олий ўқув юртлари сони тобора ошиб бормоқда. Оқибатда эса олий ўқув юртлари таҳсил олаётган талабалар сонининг кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундан ташқари, давлат бюджет асосида таълим олаётган талабалар сони ҳам ўсишда давом этмоқда. Тўртинчидан, мамлакатимиз ёшлар орасида сифатли билимга эга бўлиш истаги тобора ўсиб бормоқда. Оддий аҳолининг фарзандлари, кичик шаҳарлар ва ижтимоий-маданий

¹⁰ <https://ourworldindata.org/tertiary-education>

¹¹ <http://uis.unesco.org/en/country/uz>

¹² Ўша манба.

марказлардан узоқда жойлашган аҳоли пунктларида яшовчи фуқаролар учун ҳам олий маълумот бўлиш имконияти яратилмоқда. Бешинчидан, давлат томонидан педагогик ходимларнинг иш ҳақи ва стипендияларни тўлаш харажатлари тўлиқ молиялаштирилаётганлиги эътиборга молик. Шунингдек, жамиятда профессор-ўқитувчиларнинг нуфузи тобора юксалмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ҳозирги давр олий таълим тизимида социологик тадқиқотлардан самарали фойдаланиш йўллари**» деб номланган бўлиб, унда олий таълим тизимини концептуал такомиллаштиришнинг социологик-парадигмал хусусиятлари, олий таълим тизимида масофавий таълимни такомиллаштириш механизмлари ва олий таълим тизимида модулли-кредит тизими ва профессор-ўқитувчининг ижтимоий коммуникатив салоҳиятини аниқлаш бўйича ассессмент-марказлари фаолиятини жорий этишнинг устувор жиҳатлари ёритилган.

Мамлакат қудрати аввало таълим тизими билан белгиланишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳар бир давлатнинг таълим тизимига қараб унинг ўзи, унинг маърифатлилик даражаси ва келажаги ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу боисдан ҳам «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидаги барча ислохотлар олий таълим сифатини оширишга, пировард натижада сифатли кадр тайёрлашга қаратилган. Бу жиҳатдан хорижий давлатлар билан кўп умумийликларга эга. Айниқса, таълим стандартларининг жорий қилиниши, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, ўқув-методик таъминоти, талабаларга билим олишнинг барча ресурслари мавжудлиги, моддий-техник базанинг замон талаблари даражасида ривожланувчан таълимни амалга ошириш учун мослаштирилиши хорижий мамлакатлар олий таълими билан рақобатга кириша олишига имкон беради»¹³.


Шундай қилиб, сўнгги йилларда жаҳонда юз берган воқеалар олий таълим тизими мамлакатнинг миллий барқарорлик омили сифатидаги аҳамиятини янада оширмоқда. Олий таълим тизими дунёда юз бераётган ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнларига айниқса таъсирчан бўлган қисми саналгани боис, у ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг назаримизда, олий таълим тизимини давр талабларига мувофиқ ўзгартиришга қодир бўлмаган мамлакат ривожланишда орқада қолиши ва ҳозирги дунёда маргиналга айланиши ҳеч гап эмас. Чунки ҳар қандай ижтимоий модернизация юксак технологияларни ўзлаштиришни тақозо этади, уларни эса фақат энг янги илмий билимлар асосида ишлаб чиқиш мумкин.

Олий таълим тизими ўзининг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларни ўзи топишига қараб мўлжал олиши баъзи ҳолатларда инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларига салбий таъсир кўрсатади, бу эса хатто турли ижтимоий қатламлар орасида бўлган аниқланувчи истеъдодлар сонининг камайишига ҳам олиб келиши ҳам мумкин. Бундай таълим тизими эга давлат кучли бўлиши мумкин эмас. Бу, албатта, таълим тизими ўзининг интеллектуал имкониятларидан фойдаланиб, пул ишламаслиги керак деган

¹³ Лутфуллаев П.М. Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш йўллари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган шаҳар, «Vodiy Poligraf» МЧЖ босмаҳонаси, 2018. –Б.21.

маънони англамайди. Зеро, бугунги кунда жамиятда таълим хизматлари анча қиммат туради ва шунинг учун ҳам таълим тизими турли пулли лойиҳаларни амалга ошириб, ўз моддий базасини янада мустақкамлаши мумкин. Бу ҳолатда истеъдодли, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг илмий-тадқиқотишларига жалб қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор аҳамият касб этади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, олий таълим тизими айниқса университет таълими миллий ривожланишнинг муҳим омили сифатида доимо давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторида туради.

Болон кредит тизими ҳақида мамлакатимиздаги педагог ва ўқитувчилар, ёш мутахассислар, умуман олганда, кенг жамоатчилик яхши хабардор бўлиши керак. Респондентларнинг Болон кредит тизимидан хабардорлик даражаси ўрганилганда, уларнинг қарийб ярми (46,8%) маълумотга эга эмаслигини билдирган бўлса, 42,5% қисман, 10,6% тўлиқ маълумотга эгаллигини таъкидлаган.



2-расм. Болонья кредит тизимидан хабардорлик даражаси¹⁴

Ўқиш сифати устидан назорат ўқув режалари, дастурлар ва алоҳида курсларнинг мазмунини баҳолашни, шунингдек, уларни амалга ошириш ҳамда мунтазам такомиллашувини мониторингини амалга оширишни тақозо этади. У ички назорат, ташқи аудит, экспертизага иш берувчиларни жалб қилиш ва талабалар фикрини ҳисобга олишни ўз ичига олади. Бу масала узил-кесил ҳал қилинган эмас, афтидан, сифат назорати, сертификациялаш ва аккредитациядан ўтказиш бўйича миллий идоралар билан ўзаро ҳаракат қилувчи сифат бўйича умумевропа идораси ташкил этилса керак.

Мамлакатимизда масофавий таълим ривожига бўлган назарий қарашлар таҳлили мазкур муаммо глобаллашув жараёнларининг, мамлакатдаги таълимнинг модернизация қилиниши ва замонавий ахборотлашган жамиятнинг олий таълимга таъсири ялпи кўринишда ҳисобга олинган ҳолда етарли ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистондаги масофавий таълим ривожига тўсқинликларни ҳисобга олган ҳолда, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганишга асосланган масофавий олий таълимнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муаммоси ҳам ханузгача чуқур назарий таҳлил мавзусига айланмаган.

¹⁴ Тадқиқотлар натижаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Масофавий (онлайн) таълим масофавий ўқитишнинг энг муваффақиятли технологияларига таяниб, талабаларнинг сифатли таълим олишига йўналтирилган жараёндир. Бугунги кунда масофавий таълим бўйича олий таълим муассасалари талаба ёшларининг фикрини билиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабдан 2020 йилнинг 27-28 апрелида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан ўтказилган Telegram ижтимоий тармоғи фойдаланувчилари орасида масофавий (онлайн) таълимга бўлган муносабатни ўрганишга қаратилган тадқиқотда жами бўлиб, 1427 нафар ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари «Сизнинг масофавий (онлайн) таълим тўғрисидаги фикрингиз қандай? деган саволга жавоб беришди. Ушбу саволга олинган жавоблар қуйидаги жадвал ва диаграммада келтирилган:



3-расм. Тармоқ фойдаланувчиларининг масофавий таълим тўғрисидаги фикрлари (фоиз ҳисобида)¹⁵

Олинган тадқиқот натижалари қуйидаги умумий фикрлар билдирилганини кўрсатди:

Тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 38.0 фоизи масофавий таълимни жорий этишдан аввал зарур шароитни (интернет, платформа) яратиш лозим деб ҳисоблашади.

Тармоқ фойдаланувчиларининг ҳар тўрттадан бири, яъни, 26.0 фоизи эса анъанавий шаклда ўтиладиган машғулотлар масофавий таълимга нисбатан самарали эканлигини қайд этишди.

22.0 фоиз ёшлар, масофавий таълим фанни тўлақонли тушунишга имкон бермайди деган фикрда.

Респондентларнинг ҳар ўнинчиси (10.0%) масофавий таълим уларга маъқул келганлигини, карантиндан кейин ҳам шу тарзда таълим бериш лозим деб ҳисоблашади.

Яна 4.0 фоиз ёшлар фикрига кўра, машғулотларни икки хил шаклда: маърузаларни анъанавий, амалий машғулотларни эса онлайн шаклда ташкил этса бўлади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

Олинган тадқиқот натижалари Ўзбекистонда жорий этилган масофавий (он-лайн) шаклда таълим бериш ахборот-коммуникация технологиялари,

¹⁵ Тадқиқотлар натижаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

